
ҲАШАР - ЭЛГА ЯРАШАР!

«Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки» шиори остида ўтказилаётган умумхалқ ҳашарида марғилонликлар ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Эрта тонгдан шаҳримиз кўчалари юртимиз ободлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга чоғланган инсонлар билан тўлди.

Ушбу хайрли ташаббус доирасида шаҳардаги:

маҳаллалар, аҳоли яшаш хонадонлари, кўп қаватли уй атрофлари, гузар ва хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, кўча ва болалар майдончаларида кенг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

2023-03-18 12:00:07